2008 ЙИЛ, 16 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 114 (11.175) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қиска сатрларда

●**БУГУН** Республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташаббуси билан Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг ўқув марказида «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобатни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат, палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида тадбиркорлар иштирокида уюштирилган очиқ мулоқотда янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни борасида сўз борди.

●**АЛИШЕР** Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрида «Саудия Арабистони маданият кунлари» тадбирининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги 307-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида болажонлар иштирокида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Ёз—ўтмоқда соз» деб номланди.

●**БУГУН** Миробод туманидаги 154-мактаб қошида очилган «Орзу» болалар соғломлаштириш оромгоҳида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Ғафур Ғулом номли маданият уйи ҳамкорлигида уюштирилган тадбир ва концерт дастурида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ТИББИЁТ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР, ҲУКУМАТИМИЗ ҲАМДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛАЁТГАН ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР, ДАСТУРЛАР, УЛАРНИНГ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БАРЧАСИ ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАСИДИР.

Тиббиёт масканларида

ТУМАНДА — ЯНГИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

Куни кеча Учтепа туманидаги 26-оилавий поликлиниканинг очилиши ҳам ушбу ишларнинг изчил давомидир.

Байрамона тарзда безатилган янги поликлиниканинг очилиши барчани бирдай қувонтирди.

— Халқ саломатлигини муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш асосий вазифамизга киради,—дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи М.Исломов.— Маълумки, мамлакатимизда кейинги йилларда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари барчани қувонтирмоқда. Янги поликлиника ва шифохоналарнинг қад ростлаётганлиги, уларнинг замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланиши — буларнинг барчасини Мустақиллик мевалари десак адашмаймиз. Жаҳон стандартларига мос равишда бунёд этилган, оила шифокори фаолияти учун барча шарт-шароитларга ҳамда замонавий тиббий жиҳозларга эга 26-оилавий поликлиника ҳам фуқароларимизга янада қулай имкониятларни яратиб беради.

26-оилавий поликлиникада бугунги кунда 20 нафар малакали шифокорлар ва 42 та ҳамширалар фаолият юритмоқдалар. 2007 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 2008 йилнинг май ойида замон талабларига жавоб берадиган даражада таъмирланган ва энг сўнгги русумдаги тиббий техник-ускуналар билан жиҳозланган поликлиника қад ростлади. Ушбу муассасада рентген-флюрография, физиотерапия, ЛФК ҳоналари аҳоли учун жуда қулай ва шинам қилиб жиҳозланган. Мазкур поликлиника «Пахтакор», «Нишоб Ариқ», «Шофайзи боғи», «Шарқ юлдузи» каби маҳаллалар аҳолисига хизмат кўрсатади.

—Айтиш жоизки, мамлакатимизда она ва бола ҳамда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини сақлашга муҳим эътибор қаратилган,— дейди 26-оилавий поликлиника бош шифокори Сурайё Холматова. —Поликлиникамизда оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш борасида фаолият режаларини туздик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари муҳим аҳамият касб этаётир. Соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар дунёга келади, албатта. Мустақил турмуш остонасига қадам қўяётган ёшлар буни чуқур англаб етмоқдалар. Булардан ташқари ўсмир-ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларида, академик лицей ва коллежларда турли хил учрашувлар ҳам ташкил қиляпмиз. Бу ишларнинг замирида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш каби ишлар туради.

Гулчеҳра САТТОРОВА

СУРАТЛАРДА: 26-оилавий поликлиниканинг очилиш маросимидан лавҳалар

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

13 ИЮНДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини 2008 йил 28-29 июнь кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни, жумладан: "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йил юзасидан ҳисоботлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақидаги масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА САУДИЯ АРАБИСТОНИ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИ МАДАНИЯТ ВА АХБОРОТ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

САУДИЯ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар сингари маданият жабҳасида ҳам ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Халқларимизни нафақат тарихий дўстлик, балки ўхшаш маданий қадриятлар, бир-бирига ҳамоҳанг анъана ва урф-одатлар ҳам яқинлаштириб туради, — деди Саудия Арабистони Подшоҳлиги маданият ва ахборот вазири Ияд Маданий. — Бундай тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада ривожланишида ва халқларимиз ўртасидаги дўстона ришталарни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Кўргазмага ташриф буюрганлар Саудия Арабистони ижодкорлари томонидан яратилган тасвирий ва амалий санъат намуналари, фотосуратлар ва ҳунармандлик буюмлари билан танишдилар.

Саудия Арабистони халқ амалий санъати кўргазмаси Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида ҳам намойиш этилди.

(ЎзА)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТАҚВИМ-РЕЖАСИГА БИНОАН НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шаҳар сайлов комиссиясида

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига асосан жорий йил 29 июнь куни Тошкент шаҳридаги 9-Салар, 16-Ҳумоюн (Мирзо Улуғбек тумани), 23-Тансиқбоев (Собир Раҳимов тумани), 34-Авиасозлар (Ҳамза тумани) ва 45-Фурқат (Шайхонтоҳур тумани) — бешта сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловга жойларда тайёргарлик ишлари амалга оширилаётир. Ушбу йўналишдаги ташкилий ишлар айни пайтда тегишли округ сайлов комиссиялари зиммасига юклатилгандир.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси қарорига мувофиқ ҳар бир сайлов округи бўйича белгиланган тартибда участка сайлов комиссиялари тузилиб, уларнинг таркиби тасдиқланди. Мувофиқлаштириш ишлари бевосита округ сайлов комиссиялари томонидан олиб борилади.

Шаҳар сайлов комиссиясининг йиғилишида участка сайлов комиссияларига техник ва ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, белгиланган муддатгача сайловга оид зарурий кўргазмали тарғибот воситалари билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, қайд этилган округлар бўйича 100 мингдан зиёд сайловчи истиқомат қилса, уларнинг сиёсий-ижтимоий тадбирда фаол иштирокини таъминлаш учун вақтида сайлов тўғрисида етарли ахборот тарқатиш, шунингдек, сайлов қонунчилиги талабларига асосан тегишли тадбирлар уюштириш лозим.

Шаҳар сайлов комиссиясининг ўтган шанба куни бўлиб ўтган йиғилишида Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди. Илгари хабар қилинганидек, бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш юзасидан бешта сиёсий партия ариза билан мурожаат этган. Аммо, афсуски, бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташаббускор гуруҳ кўринишида фуқаролар ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдаланмади.

Шаҳар сайлов комиссияси номига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Адолат» Социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» Миллий-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тегишли бўшаб қолган округлар бўйича депутатликка ўз номзодларини рўйхатга олиш тўғрисида ариза киритилган. Йиғилишда сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган барча аризалар илова қилинган тегишли ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқилиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган 22 номзод, шу жумладан ЎзЛиДеП, Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан – беш кишидан, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партиясидан – икки кишини рўйхатга олиш юзасидан қарор қилинди (номзодлар рўйхати 2-бетда чоп этилмоқда).

Эслатиб ўтамиз, рўйхатга олинган депутатликка номзодлар эндиликда ташвиқот ишларига киришишади.

Сайловчилар ва бошқа манфаатдор кишилар жорий йил 29 июнь куни бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловга оид ўзларини қизиқтирган маълумотлар бўйича жойлардаги тегишли округ ва участка сайлов комиссияларига ҳамда шаҳар сайлов комиссиясига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14, тел. 233-92-99.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида бир қатор ҳуқуқий мажмуаларнинг ижросига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

●Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдалани тўғрисида»ги ва «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Сурхондарё вилоятидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқди.

●Тошкентда ихтисослаштирилган кардиология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш бўйича илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли тадбирда Ҳамдўстлик давлатлари мутахассислари ҳам иштирок этди.

●Мамлакатимиз пиллакорлари 23,5 минг тоннага яқин пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини адо этдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан 2000 тонна кўпдир.

●Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Ҳ.Сулаймонова номли Республика суд-экспертиза марказида Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуида семинар ўтказилди.

●Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят кенгашларининг Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари тадбиркорлари билан сим орқали қўшма мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқотда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари, тижорат банклари филиаллари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

●«Тошкент» халқаро аэропорти махсус техникалар хизматида янгиланишлар жараёни амалга оширилмоқда. Хусусан, 2008 йил бошидан буён ушбу хизматга бир нечта янги микроавтобуслар, юк машиналари, орнетологлар хизмати учун автомобиль, 20 тоннали юк ортувчи машина келтирилди. Куни кеча эса 120 тадан йўловчига мўлжалланган иккита перрон автобуси олинди. Янги машиналар тежамкор бўлиб, селектор алоқаси билан жиҳозланган.

●Жиззах вилоятига киритилган хорижий инвестициялар 2007 йилда 9 миллион доллардан ортиқни ташкил этди. Натижада хорижий сармоя иштирокида 8 та янги корхона ташкил этилди.

●Сурхондарё вилоятида ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маънавий-маърифий соҳада фаол иштирокини таъминлаш, салоҳиятли йигит-қизларнинг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» ойлиги ўтказилмоқда.

ЖАҲОНДА

●Ирландияда Европа конституцияси ўрнига қабул қилинган Лиссабон шартномаси бўйича ўтказилган референдумда иштирок этганлар шартномага қарши овоз беришди. Бу Европа Иттифоқининг таназзулига олиб келадиган ҳолатдир.

●Бутунжаҳон банки президенти Р.Зеллик Россияга ташриф буюрмоқда.

●Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида 22 июнь куни нефть соҳасининг бугунги аҳволи ва истиқболига бағишланган анжуман бўлиб ўтади. ОПЕК бош котибининг сўзларига кўра, дунёдаги йирик нефть ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларнинг вакиллари қатнашадиган анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад жаҳон бозорида «қора олтин» нархининг тобора ошиб бориши билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишдир.

●Ўзининг давлат раҳбари сифатида Европа мамлакатларига сўнгги ташрифи доирасида кеча АҚШ президенти Жорж Бушнинг Лондонга ташриф буюриши йирик норозилик намойишини келтириб чиқарди. Полициячилар билан намойишчиларнинг тўқнашуви натижасида 25 киши ҳибсга олинди.

●Хитойнинг жануби-ғарбидаги кимёвий ишлаб чиқариш корхоналаридан бирида оммавий заҳарланиш вужудга келди. Натижада заҳарли газ моддасидан зарарланган олти киши ҳалок бўлди, ўттиздан зиёд фуқаро касалхонага ётқизилди.

●Японияннинг Хонсю оролида рўй берган кучли зилзиладан сўнг бедарак йўқолган ўн уч кишини излаш ишлари бошланди.

●Австралияда содир бўлган кучли бўрон оқибатида 12 мингдан ортиқ турар жой биносида электр узатиш тармоқлари ва сув таъминоти тизими ишдан чиқди, юзлаб бинолар вайрон бўлди, экин майдонларига зарар етди, 200 га яқин киши жароҳатланди. Маълумотларга кўра, табиий офатдан Рокингхем, Каверсхем, Банбери, Басселтон туманлари айниқса, катта зарар кўрди.

●Буюк Британиянинг «Shell» ёнилғи ташиш компанияси ҳайдовчилари компания раҳбариятидан ойлик маошини оширишни талаб қилган ҳолда иш ташлашди.

●«Газпром» компанияси бошқаруви раиси А.Миллернинг таъкидлашича Словения ва Австрия, Россия ва Италия ҳамкорлигидаги «Жанубий оқим» лойиҳасига қўшилади. «Жанубий оқим» Россиядан Қора денгиз туби орқали Болгарияга ўтади ва бу ерда иккита шохобчага бўлинади. Улардан бири Италия ва Грецияга йўналтирилса, иккинчиси Австрия ва Венгрияга тортилади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24 ва 44-моддаларига мувофиқ сиёсий партиялар томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Округ рақами ва номи	Номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва турар жойи	Номзод этиб кўрсатган органнинг номи
Мирзо Улуғбек тумани			
9-САЛАР	Каримов Ҳосил Болтаевич	1955,"Миллий тикланиш"ЎзДП, "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Толаметов Абужалил Абдужапорович	1970, ҲДП, Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти ўқитувчиси, Тошкент шаҳри	ЎзҲДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Тоджиддинова Шайра Абдисаттаровна	1959, «Адолат» ЎзСДП, "Соғломлик нектари" МЧЖ бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Хакимов Мирҳаёт Мирҳамидович	1975, ЎзЛиДеП, "Ўзкабель" АЖ қўшма корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
16-ҲУМОЮН	Ахмедова Шоиста Рашидовна	1958, ЎзҲДП, 101-махсус кар болалар мактаб-интернати директори, Тошкент шаҳри	ЎзҲДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Игамбердиева Мавлюда Каримжановна	1960, «Фидокорлар» ЎзМДП, Ўзбекистон «Фидокорлар» МДП Тошкент шаҳар Кенгаши Мирзо Улуғбек тумани биринчи котиби, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Фидокорлар» МДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Тошев Эркин Эргашевич	1961, ЎзЛиДеП, ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шакирова Шахло Зукруллаевна	1973, «Адолат» ЎзСДП, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедраси катта ўқитувчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Гофурова Тожихон Нишанбаевна	1960, "Миллий тикланиш" ЎзДП, "Махсусэнергогаз" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП Тошкент шаҳар Кенгаши
Собир Раҳимов тумани			
23- ТАНСИҚБОЕВ	Абдова Сожида Эргашевна	1955, ЎзЛиДеП, ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши Собир Раҳимов тумани раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Абдураҳмонов Эркин Мухторович	1965, "Миллий тикланиш" ЎзДП, "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа маркази бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Асимов Шухрат Хашимович	1970, «Адолат» ЎзСДП, Собир Раҳимов тумани молия бўлими мудири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шаймқулов Учқун Қудратович	1961, ЎзҲДП, Ўзбекистон ҲДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	ЎзҲДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шамсутдинов Бунёдбек Иброҳимович	1984, «Фидокорлар» ЎзМДП, Ўзбекистон «Фидокорлар» МДП Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия девони раҳбари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Фидокорлар» МДП Тошкент шаҳар Кенгаши
Ҳамза тумани			
34-АВИАСОЗЛАР	Исамиддинов Бахтиёржон Низомиддинович	1959, «Адолат» ЎзСДП, "Ўзбекистон темир йўллари» ДАК "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонаси директори ўринбосари,Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Сандибоев Нуриддин Абдусаламович	1966, ЎзЛиДеП, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик ҳарбий билим юрти катта ўқитувчиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Умаров Абсалом Адилович	1949, "Миллий тикланиш" ЎзДП, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шарипов Махмуджан Караматович	1959, ЎзҲДП, «Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ бош директори ўринбосари, Тошкент шаҳри	ЎзҲДП Тошкент шаҳар Кенгаши
Шайхонтоҳур тумани			
45-ФУРҚАТ	Насимов Нурулла Сагдуллаевич	1950, ЎзЛиДеП, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Рахматиллаева Муқаддасхон Мамаюнусовна	1957, ЎзҲДП, 35-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	ЎзҲДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шакиров Шавкат Рахмонович	1977, «Адолат» ЎзСДП, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бирлашган қурилишлар дирекцияси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шомаликова Дилфуза Шоюнусовна	1965, "Миллий тикланиш" ЎзДП, "Соғлом авлод" газетаси бош муҳаррири, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП Тошкент шаҳар Кенгаши

2. Номзодларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси
А.АБДУРАХМАНОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 14 июнь

Доимий комиссияларда

ТЕКШИРУВЛАР ҚИСҚАРИБ БОРМОҚДА

ДЕМАК, ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА. БИРОҚ БУ ХОҲЛАГАНИЧА ИШ ҚИЛИШ МУМКИН ДЕГАНИ ЭМАС, АЛБАТТА. АКСИНЧА, НАЗОРАТНИНГ КАМАЙИШИ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ҲАМ, ТЕКШИРУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ҲАМ ҚОНУНЧИЛИККА БЎЙСУНИШ БОБИДА МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА КУЧАЙИШИ ЛОЗИМЛИГИДАН ДАЛОЛАТДИР.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида тадбиркорлик шак-шубҳасиз ҳал қилувчи поғонани эгаллаб келмоқда. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўладими, барча соҳаларда унинг ўрни салмоқли бўлиб бораётир. Кичик бизнес тармоғининг кейинги уч-тўрт йил ичида ўсиш суръатини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар йили унинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми бир — бир ярим фоизга ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 51,3 фоизни ташкил этди. Тошкент шаҳрининг 2008-2010 йилларда иҳтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига мувофиқ эса келгуси йили ушбу кўрсаткич 53,4 фоизга, 2010 йил якунигача — деярли 55 фоизга етиши кутилмоқда.

Тадбиркорлик ҳаракатида бундай сезиларли натижаларга эришишда, унинг изчил ва том маънода тўсиқларсиз ривож топишида биринчи галда мустаҳкам қонунчилик-ҳуқуқий негиз асосий мезон сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, кейинги йиллар давомида қабул қилинган бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тадбиркорлар манфаатларини бюрократик тўсиқлардан халос этишда, назорат органларининг ноқонуний ва асосланмаган аралашувларидан ҳимоя қилишда энг ишончли кафолат ҳисобланади. Ўз навбатида, тадбиркорлар ҳам тажриба орттиргани сари ва албатта авваллари йўл қўйган хато ва камчиликларидан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятини яхши ўзлаштириш баробарида ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бу борадаги ҳимоя воситалари ҳусусида ҳам етарли даражада билимга эга бўлишади дейиш мумкин. Қолаверса, энг ишончли ҳимоя кафолати – бу қонунга итоаткорлик эканлигини улар яхши англаб етганига амалиётдан кўп далиллар келтириш мумкин.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси ахборотига кўра, ўтган йил ҳамда жорий йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича назорат хизматлари томонидан биронта ноқонуний аралашувларга йўл қўйилмаган.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, биронбир хўжалик юритувчи субъект бўйича режали ёки режадан ташқари текширув ўтказиш учун рухсат ҳудудий комиссия томонидан юқори идора билан келишилган равишда берилади. Бевосита текшириш жараёни назорат органининг ваколатли, яъни махсус шаҳодатномадан ўтган мутахассиси томонидан ўтказилади. Алоҳида шунга ҳам урғу бериш даркорки, ҳар бир бундай ваколатга эга шахс ноқонуний текширув ўтказмаслиги бу борада шахсан жавобгарлиги хусусида огоҳлантирилади.

Шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида текширилган хўжалик субъектларининг 98 таси бўйича ўтказилган мониторинг натижалари шуни кўрсатадики, ҳар доим ҳам назорат органларининг вакиллари уларга тааллуқли меъёр ва қоидаларга тўлиқ риоя этмаётир, жумладан текширишларни рўйхатга олиш китобининг юзаки тўлдирилиши тез-тез учрайди. Чунончи, текширишларни рўйхатга олиш китобини тўғри тўлдириш борасида Ҳамза ва Яккасарой туманлари солиқ хизмати махсус ходимлари томонидан баъзи камчиликларга йўл қўйилган. Бундай ҳолатларнинг келгусида қайтарилишининг олдини олиш мақсадида қайд этилган солиқ инспекцияларининг тўққиз нафар масъул ходимига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди. Режадан ташқари текширувларга масъулиятсиз ёндошгани боис худди шундай жазога Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг биринчи тоифали мутахассиси Ф. Алишаев ҳам тортилган. Бундан ташқари, бюджет ташкилотларида текширувлар амалдаги меъёр бўйича ташкиллаштирилмагани туфайли Шайхонтоҳур тумани солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари ҳамда бўлим бошлиқлари огоҳлантирилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган қўшимчаларга асосан эндиликда бевосита текширувчи қаторида текшириш гуруҳи раҳбари ҳам китобга киритилган ёзувларнинг тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлайди. Бу дегани агарда хато ёки камчиликлар аниқлангудек бўлса, жавобгарликка фақат ваколатли ходим эмас, балки назорат органининг мансабдор шахси ҳам тортилади.

Ҳақиқатан ҳам, биргина текширувларни рўйхатга олиш китоби асосида текширувчининг ҳар бир хатти-ҳаракатига баҳо бериш қийин эмас. Айтиб ўтиш жоизки, бу китоб ўндан зиёд савол-талаблардан иборат ва ҳар бирига назорат органи вакили зиммасидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда тегишли ёзувларни қайд этиши, шунингдек бевосита текшириш жараёнига ҳам касбий махорати билан ёндошиши талаб этилади. Зеро унинг йўл қўйган ҳар қандай хатоси учун раҳбари ҳам жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини унутмаслиги лозим.

Тегишли меъёрий ҳужжатларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар натижасида пировардида кейинги йилларда хўжалик субъектларида текширишлар сони қисқариб бораётир. Айниқса назорат органларининг янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини текширишда ҳуқуқлари сезиларли даражада чекланди. Чунончи, дастлабки уч йил мобайнида уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига ташқаридан аралашув қатъиян ман этилган. 2007 йилда аввалги даврга нисбатан хўжалик субъектларида текширишлар сони 556 тага қисқаргани ҳам ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг натижасидир. Биргина солиқ идоралари томонидан амалга оширилаётган назорат ҳажми 16 фоизга камайгани ҳам бунга яққол далилдир.

Текширувлар самарадорлигига келсак, назоратга олинган субъектлар томонидан ҳам ҳануз қоидабузарликларга йўл қўйилаётганини афсус билан айтиш мумкин. Шаҳар ҳудудий комиссияси маълумотларига кўра, солиқ идоралари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган текширувларнинг деярли 100 фоизида турли кўринишдаги қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган. Умуман барча назорат органлари ҳисобот даврида 1725 та текширувни амалга оширган бўлса, таҳлиллар шуни кўрсатадики, ноқонуний ҳолатларнинг асосий қисми тушумлар тўлиқ инкассация қилинмаслиги, назорат-касса аппаратларидан фойдаланилмаслик туфайли юзага келган.

Шаҳар ҳудудий комиссияси ахбороти бўйича, шу йил бошидан назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низом амалга киритилган. Мазкур ҳужжат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши қарори билан тасдиқланган бўлиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар фаолияти бўйича текширишни ташкиллаштиришни тартибга солади. Якка тартибдаги тадбиркор ҳам тадбиркорлик субъекти номи билан юритилади. Текширувлар назорат органлари томонидан фақат ҳудудий комиссия рухсати билан амалга оширилиши мумкин. Бу борада дастлабки натижалар хусусида сўз юритадиган бўлсак, жорий йилнинг январь-март ойларида ўтказилган текширувлар бўйича 11 тасида товарларни тўлиқ ҳисобга киритилмагани, даромадларни беркитиш, бошқа савдо қоидалари бузилаётгани аниқланган.

— Юқорида айтиб ўтилганидек, қоидабузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида амалга оширилаётган таъсирчан чора-тадбирлар, шубҳасиз, иккала томон— назорат идоралари вакиллари ва тадбиркорлар учун ҳам яхши самара бермоқда. Ҳаётий тажрибанинг хулосаси шуки, ҳар бир ножўя қадам охир-оқибат мансабга ҳам, бизнесга ҳам бирдай зарар етказади. Фақат қонунга итоаткорлик ҳар жойда барака келтиради. Бир сўз билан айтганда қонун барча учун назоратчига ҳам, тадбиркорга ҳам барбобардир.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

МАМЛАКАТИМИЗДА МУСИҚА МАКТАБЛАРИГА ВА УЛАРДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ТОБОРА КУЧАЙИБ БОРМОҚДА. БУНИНГ НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ ЁШЛАРИМИЗ ЎЗ ИҚТИДОРЛАРИНИ НАИНКИ ЮРТИМИЗДА БАЛКИ ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИДА ҲАМ НАМОЙИШ ЭТИБ ТУРЛИ ХИЛ СОВРИНЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДАЛАР. ШУНИНГДЕК, ЮРТИМИЗДА ТУРЛИ НУФУЗЛИ ТАНЛОВЛАРНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ ЗАМИРИДА ҲАМ УЛАРНИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ ЯНАДА ШАКЛЛАНТИРИШ, РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИБ БОРИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.

Танловлар

ДУНЁ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ўтказилган «Дунё — болалар нигоҳида» деб номланган кўрик-танлов ҳам ана шу мақсадларни қамраб олган ҳолда уюштирилди. Танловда, шаҳримиздаги мавжуд болалар санъат мактаблари, болалар мусиқа мактабларининг ўувчилари ўз ижод намуналари билан иштирок этдилар.

— Ушбу фестивални ўтказишдан асосий мақсад,—дейди Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасининг бошлиғи Рустам Ҳамидов,— болалар ижодини кенг омма эътиборига жалб этиш, болалар мусиқа ва санъат мактаблари нуфузини янада ошириш, рассом-педагоглар касбини улуғлаш, шунингдек, фестивалда иштирок этаётган мактабларо тажриба алмашиш, ўқув методика муаммоларининг ечимида ўқитувчиларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жумладан, иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериб ўзларига бўлган ишончни янада ошириш каби ишлар ҳам бош мақсад қилиб олинган. Бугунги ёш авлоднинг танловга тақдим қилган асарларини томоша қилар эканмиз, қалбимиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлиб бормоқда. Зеро мамлакатимизда истеъдодли ёшлар кўп эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Умид қиламизки келажакда уларнинг яратган санъат асарлари дунё мамлакатлари музейлари ва санъат даргоҳларини безаб туради.

Мазкур кўрик-танловда шаҳримизда таълим олаётган мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг рангтасвир, графика ва амалий санъат асарлари намойиш этилди. Иштирокчилар ёш бўлишларига қарамай ишлар мавзусининг турли-туманлиги, тайёрлаш техникаси, ўқиш жараёнидаги оддий ишлардан то хаёлий композицияларнинг турли материалларни қўллаб ўзига хос ишланиши билан барчани ҳайратга солдилар. Кўргазмада 500 дан ортиқ экспонатлар намойиш этилди.

Танлов натижасига кўра биринчи ўринлар 3-Болалар санъат мактаби ва 20-Болалар мусиқа мактаби ўқувчиларига насиб этди. Иккинчи ўрин 7 ва 2-Болалар санъат мактаби, учинчи ўринга эса 1, 5- Болалар санъат мактаблари ўқувчилари сазовор бўлдилар.

—Танловда мактабимиз ўқувчиларининг биринчи ўринни эгаллашлари бизни беҳад қувонтирди,—дейди 3-Болалар санъат мактаби директори Ҳамидулла Саъгдуллаев. —Бу бизнинг мактабимиз учун фахрлидир. Танлов барчамизда яхши таассурот қолдирди. Тадбир давомида кўплаб истеъдодли ўқувчилар билан танишишга муяссар бўлдик. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга келишиб олдик. Шуни чуқур англаб етдикки, бизнинг мамлакатимизда иқтидори юксак ўқувчилар жуда кўп, фақатгина уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб, ижодларини шакллантириб боришимиз ва ана шундай танловларни тез-тез ўтказиб турмоғимиз лозим. Бу танлов ёшлар учун яна бир юлдузли қирра бўлди. Уларнинг истеъдоди ва иқтидори танлов туфайли янада кўзга ташланди. Ушбу танловда иштирок этган барча мактабларнинг ўқувчилари ҳомийлар томонидан совғалар билан тақдирландилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: кўрик-танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» *танлови*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини ҳамда бошқа ижодкорларни мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга чорлаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" танловига таклиф этади.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2008 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси

Телефонлар: 244-32-33; 244-64-61; 244-57-24; 244-11-64.

МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА ВА ТИББИЁТ

МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА - ИЛМ-ФАННИНГ ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАЛАРИДАН БИРИ. УШБУ ЙЎНАЛИШДА ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ЮТУҚЛАРДАН ЖАМИЯТИМИЗНИНГ КЎПЛАБ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАНИ ТУФАЙЛИ ТАРАҚҚИЁТ ТОБОРА ИЛГАРИЛАМОҚДА.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида молекуляр генетика ютуқлари ва тиббиёт тараққиётига бағишлаб ташкил этилган семинарда ана шу ҳақда гап борди. Унда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бирга Россиядан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжуманда қайд этилишича, илм-фаннинг мазкур йўналишида қўлга киритилаётган ютуқлардан тиббиёт тизимида оқилона фойдаланилаётгани туфайли кўплаб оғир касталиклар, жумладан, ирсий касалликларни ҳам барвақт аниқлаш, она-бола скрининги хизматини такомиллаштириш, ген инженерия ва ўзак ҳужайраларни кўчириб ўтказиш билан боғлиқ илғор технологияларни ҳаётга татбиқ этишга эришилмоқда. Бу туғма ногиронликнинг олдини олиш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва умрини узайтириш, беморларни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим омил бўлаётир.

Жаҳон тиббиётининг бундай илғор технологияларидан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам оқилона фойдаланилаётир. Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида фаолият юритаётган тиббиёт молекуляр генетикаси лабораторияси фаолияти бунга мисол бўла олади. Қарийб уч йилдан буён иш олиб бораётган, ўз йўналиши бўйича Марказий Осиёда ягона мазкур лаборатория юксак технологияларга асосланган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ушбу соҳада ишлаётган мутахассисларимизнинг аксарияти хориждаги нуфузли клиникаларда малака оширган.

Мазкур лаборатория мудири, тиббиёт фанлари номзоди Қодир Бобоевнинг айтишича, олимларимиз ва шифокорларимиз халқимизга ушбу йўналишда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда тиббиёт генетикасининг долзарб масалаларига бағишланган кенг кўламли илмий лойиҳаларни ҳам ҳаётга татбиқ этмоқдалар. Ана шундай илмий изланишлар натижасида яратилаётган янги технологиялар ва улардан амалда фойдаланиш самараларига оид ўнлаб илмий мақолалар чоп этилди. Бу борадаги илмий-амалий ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида жаҳондаги нуфузли клиникалар ва марказлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Семинарда ирсий касалликларнинг пренатал ташхиси, гемопоэтик ўзак ҳужайраларини илмий ўрганиш ва шу асосда янги даволаш услубларини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган илмий лойиҳалар натижаси атрофлича таҳлил этилди. Молекуляр генетика фани ютуқларини тиббиёт амалиётига янада кенгроқ жорий этиш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий-генетик ёрдам кўламини тубдан такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар хусусида фикрлашилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ТАДБИРКОР

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲИССАСИ БОР. ШУ БОИС ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, УЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. БУНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИГА ОИД ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ЁРҚИН ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ. УШБУ ҲУЖЖАТЛАР ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИДА, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИДА, УЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА, ТУРЛИ ҒОВ-ТЎСИҚЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШДА, САФЛАРИ КЕНГАЙИБ МУСТАҲКАМЛАНИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Жамоатчилик кенгашларида

АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси қошидаги Жамоатчилик кенгаши иш самарадорлигини ошириш, кўзда тутилган мақсадга эришиш йўлида жорий йилнинг биринчи чорагида бир қанча ишларни амалга оширди.

— Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши йиғилишининг 2005 йил 4 ноябрдаги 5-сонли баёнини бажариш мақсадида ҳамда мамлакатимиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган талабларнинг ижросини таъминлаш бўйича, — дейди Тошкент шаҳар Жамоатчилик кенгаши раиси Шавкат Мирзаев, — пойтахтимизда жойлашган тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатишга эришилмоқда. Кенгаш томонидан Жамоатчилик кенгаши, тадбиркорлар ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, амалда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижроси, тадбиркорларнинг ариза ва мурожаатлари ўрганилиб, уларни ҳал этиш, ечимини топиш учун саъй-ҳаракат қилинмоқда. Кенгашимиз фаолиятини тадбиркорларга кенгроқ етказиш мақсадида доимий равишда биринчи чорак мобайнида барча туманларда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда семинарлар ташкил этилди. Кенгаш томонидан 2008 йилга мўлжалланган Дастур тайёрланган бўлиб, 1-чоракда 15 дан ортиқ ўқув семинарлари, тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ўтказилди ва уларда 450 дан зиёд тадбиркорларнинг иштироки таъминланди. Бундай учрашув ва тадбирларда қатнашчилар жамоатчилик кенгаши фаолиятидан тўла бохабар бўлиш баробарида тадбиркорларнинг муаммолари ўрганилди, таклифлари билан ўртоқлашилди, соҳа вакиллари томонидан янги солиқ ставкалари, Президент Фармонлари ижроси бўйича маълумотлар ҳам берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорларнинг фаолият юритаётган манзилларида ижтимоий сўровномалар ўтказилмоқда. Агарда уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраса ҳал этилишида, шунингдек уларга етказилган зарарларни ундиришда, бож тўловларисиз судларга даъво аризалари киритишда тушунтириш ишлари олиб бориляпти, амалий ёрдам кўрсатиляпти.

Жумладан, туманлардаги жамоатчилик кенгашлари томонидан «Бунёдкор ота» кичик корхонасининг текширувлар жадвалига киритилиши ҳақида, «Огаев А» кичик корхонасига тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан патентга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги мурожаатига рухсат берилмаганлиги борасида, «Сам Агро Экспорт» шўъба корхонасига давлат рўйхатидан ўтиш ҳақида ёрдам ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. «Дарбиол-Эндо» МЧЖга «Ўзбекистон Спирт саноати» акционерлик компаниясидан биологик фаол қўшимчаларни таблетка кўринишида ишлаб чиқариш учун 400 литр озуқавий спирт олишига, якка тартибдаги тадбиркор А.Сундаевга муаммоларини ижобий ҳал қилишда ёрдам кўрсатилди. Албатта, ана шу кўрсатилаётган ёрдамлар натижасида тадбиркорларнинг кенгаш фаолиятига ишончи ортиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида кенгаш қошидаги «Ишонч» телефонига 100 дан ортиқ саволлар, мурожаатлар тушди ва уларга батафсил жавоб берилди, кўмаклашилди.

Жойларга ўрнатилган «Ишонч қутилари» фаолиятини янада жонлантириш, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида жорий йилда яна 60 та ана шундай «Ишонч қутилари» ўрнатиш режаланган. Албатта, ушбу қутиларга келиб тушган ҳар бир мурожаат беэътибор қолмайди.

Шарифа ИЛЁСОВА

2008 — Ёшлар йили

НИЯТЛАРИ ЎЗИГА ЙЎЛДОШ

БИЛИМГА ЧАНҚОҚ, ИЗЛАНУВЧАН, ИНТИЛУВЧАН ЁШЛАРИМИЗ, АЛБАТТА, МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ. УЛАРНИНГ ЎЗ ЭЗГУ НИЯТЛАРИ ЙЎЛИДА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БОИС ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИДАН, ЮТУҚЛАРИДАН ҚУВОНМАЙ БЎЛАДИМИ.

Болалигидан рассомликка меҳр қўйган, чизган расмларида иқтидорини намойиш эта олган Бахтиёр Содиқов ҳам ана шундай оловқалб ёшлар сирасига киради.

—Болалигимдаги қизиқишнинг астойдил орзуга айланишида онажоним ва тоғам — рассом Музаффар Аъламовнинг ҳиссалари беқиёс, —дейди Бахтиёр биз билан суҳбатда. —Улар менинг оддий ишларимни рағбатлантиришди, ҳақиқий мададкор бўлишди, ёрдам беришди. Шу боис ҳам ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Камолиддин Беҳзод номли миллий рассомчилик ва дизайн институтининг бадиий кулолчилик факультетига ўқишга кирдим. Бу ерда устозларим Татьяна Ганшина, Фарҳод Тошмуҳамедовлардан ушбу санъат сир-асрорларини ўргандим, назарий билимларимни амалиётга ҳам татбиқ этиб, яхши-яхши асарлар яратишга эришдим. Шуниси қувонарлиқи, мен ва бирга таҳсил олган дўстларим яратган ишлар Япония ва бошқа давлатлардаги халқаро кўргазмаларга қўйилиб, миллий ҳунармандчилигимиз қирраларини намойиш этган.

Диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилган Бахтиёр ҳозирда пойтахтимиздаги М.Раҳимов номидаги керамика-тажриба комбинатида рассом-дизайнер бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Ёш рассомнинг яратган эскизлари турли эсдалик совғалари ва рўзғор буюмларида ўз аксини топмоқда. Шунингдек, у ҳамкасблари билан пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб, муҳташам иншоотларни керамик паннолар билан безашда қатнашмоқда.



Ёшлар йилида ўз орзулари йўлида дадил интилаётган ёш рассомнинг фаолиятида қувончли воқеа бўлди. У ёш кулолларнинг республика танловида санъат асарлари билан иштирок этиб, «Янги услуб ва изланиш учун» номинацияси ғолиби бўлди. Ғолибга диплом ва эсдалик совғаси насиб этди.

Бу, албатта бошланиши. Ўз устида тинмай изланаётган Бахтиёр Содиқов келгусида меъморчиликда керамикадан фойдаланишнинг янги усулларини қўллаш, дизайн соҳасида миллийлик ва замонавийликка эътибор қаратиш, қўплаб янги асарлар яратиш мақсадида меҳнат қилмоқда. Ёш рассом ўз интилишлари билан ўзбек кулолчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшишни ният қилган. Шубҳасиз, унга ниятлари йўлдош бўлади.

Шарофат БАҲРОМОВА

СУРАТЛАРДА: ёш рассом Бахтиёр Содиқов; у яратган буюмларда хаттотлик санъати ҳам акс этган.

СИЗ ТАДБИРКОРСИЗ. АЛБАТТА, ИШИНГИЗ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШДА СИЗГА ФОЙДАЛИ МУЗОКАРАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА. АММО СИЗ МУЗОКАРАЛАРДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ? ЧУНКИ БУ СИЗ УЧУН НИҲОЯТДА МУҲИМ САНАЛАДИ. ТАДБИРКОР МУЗОКАРАЛАРДА ҲАМ ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ТУТИШНИ БИЛМОҒИ ЛОЗИМ.

Билиб қўйган фойдали

МУЗОКАРАЛАР ЧОҒИДА

Аввало музокара хусусида тўхталадиган бўлсак, у шарт-шароит, томонларнинг талаблари ҳақида фикр алмашишни англатади. Музокара ўзининг қонун-қоидалари ва қонуниятларига эга бўлган махсус фаолият туридир. Бу жараёнда томонлар бир-бирини ўзаро бойитиш, тараққий эттириш, ҳамжиҳатликда муаммоларни таҳлил қилиш, уларнинг ечимини топиш сингариларга эришишади. Бир сўз билан таърифлайдиган бўлсак, музокаралардан кўзланган мақсад ўзаро манфаатли ечимларга эришиш, кескин кўринишдаги ихтилофлардан қочишдир.

Тадбиркор шуни ҳамиша ёдда тутмоғи лозимки, музокарадаги ютуқ, биринчи навбатда мунозаранинг мантиқийлиги эвазига қўлга киритилади. Шу боис шерик ёки суҳбатдошингиз сўзларидаги мантиққа эътибор қаратинг. Унинг ўз мунозараси давомида йўл қўйган камчиликларини топинг ва ўзингизнинг мавқеингизни кучайтирувчи далилларни аниқланг. Музокарангиз ишонарли бўлсин, лекин фикрингизни зўрлик билан ўтказишга интилманг. У аниқ, қисқа, лўнда, исботга асосланган бўлсин. Жараёнда фаолликни қўлга олинг, турли ҳолатларда ҳам ўзингизни йўқотмай, муваффақиятга эришиш йўлини астойдил изланг. Жуда муҳим саналмаган, арзимайдиган келишмовчиликларга эътиборсиз бўлишга интилинг. Товардан кўра ғоя қимматли экани ёдингизда турсин.

Сиз яна муҳим жиҳатларни билишга астойдил ҳаракат қилингки, яъни музокара муваффақиятли бўлиши учун тайёргарлик кўринг, шеригингизни олдиндан ўрганиб, кучли ва кучсиз томонларини аниқланг. Майда-чуйда нарсалардан воз кечиб, асосий мақсадингизни ҳимоя қилинг ва ундан асло четлашманг.

Мана шуларнинг барчасига эътибор берсангиз ва музокарага шунчаки суҳбат деб юзаки қарамасангиз, албатта муваффақиятлар сиз тарафда бўлади.

ЭЪТИБОР БИЛАН ЁНДАШИЛМОҚДА

ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДА БЎЛИБ ЎТГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА ТЎХТАЛИБ, «УЧИНЧИ УСТУВОР ЙҲНАЛИШ — АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА УНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА КАСАНАЧИЛИК СОҲАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ», ДЕБ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИЛАР.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари ҳам пойтахтимизда тадбиркорлик ривожига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган ҳолда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мазкур бўлимга 2008 йилнинг биринчи чораги давомида тадбиркорлик субъектларидан 70 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Кўриб чиқилган аризаларнинг 38 таси қаноатлантирилган бўлиб, шундан 18 таси тўлиқ асосли деб топилди ва 20 таси бўйича уларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, шундан 24 та ариза асоссиз деб топилган, 5 таси муаллифнинг аризасига асосан кўрмасдан қолдирилган, 3 таси тегишлилик бўйича юборилган.

Жумладан, Тошкент шаҳар Чилонзор туманида фаолият кўрсатаётган «TS-TECHNOLOGY» МЧЖ рахбари В.Алхасьяннинг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ходимлари томонидан ўтказилган текширишдан норози бўлиб ёзган аризаси бошқарма томонидан ўрганиб чиқилган. Аниқланишича, 2007 йилнинг октябрь ойида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан коллежларни дастгоҳлар билан таъминлаш бўйича тендер эълон қилингач, «TS-TECHNOLOGY» МЧЖ томонидан тендерда иштирок этишлик учун ҳужжатлар тақдим этилган. Марказ директорининг 2007 йил 5 декабрдаги 196/с-сонли буйруғи асосида, Марказ ходимлари томонидан «TS-TECHNOLOGY» МЧЖда тақдим қилинган ҳужжатлардаги маълумотларни ҳаққонийлиги юзасидан текширув амалга оширилиб, 2007 йил 6 декабрда маълумотнома тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли Фармонининг талабидан келиб чиқиб, тўпланган ҳужжатлар ваколат доирасида кўриб чиқилиб, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилиш учун Тошкент шаҳар прокуратурасига жиноий таклиф киритилди.

Бундан ташқари, бўлимнинг «Ишонч телефон»ларига тадбиркорлик субъектларидан жами — 34 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатлар бўйича, ҳуқуқий тикланганлар—9 тани, асоссиз деб топилганлари 4 тани ва ҳуқуқий тушунтириш берилганлари 21 тани ташкил этади.

Бошқарма томонидан якка тартибдаги тадбиркор Ш.Шоназаровнинг «Паркент ихтисослашган бозори» очиқ акциядорлик жамияти мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Тадбиркор Ш.Шоназаров ўз аризасида, 2004 йил сентябрь ойидан буён бозор ҳудудининг 9-блокида жойлашган савдо дўконида бозор маъмурияти билан ижара шартномаси тузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритиб келаётганлиги, 2006 йилда дўконнинг ярмини бозор маъмурияти томонидан ноқонуний равишда олиб қўйилганлигини айтган. Дўконнинг қолган ярмига 2007 йилнинг охирига қадар шартнома тузган бўлиб, шартнома шартларини бузмаган ҳолда тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётганлигига қарамасдан, 2008 йил учун янги ижара шартномаси тузишликни сўраб қилган мурожаатига асоссиз равишда рад жавобини олганлигини баён этган.

Бошқарма томонидан «Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ маъмурияти хусусий тадбиркор Ш.Шоназаров билан шартнома тузмаслик сабаблари ва асоси ҳақида маълумот беришликни сўралиб киритилган хатга берилган жавобда баён этилган ҳолат ўз тасдиғини топган.

Бу билан «Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 4-, 7-моддалари талаблари бузилган, деб ҳисобланиб, мазкур масала юзасидан тадбиркорлик субъектининг манфаатини кўзлаб Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва у кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектларини «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» билан таъминлаш ва уни юритишни назорат қилиш ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Тошкент шаҳрида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» билан таъминланган тадбиркорлар сони 57 000 тани ташкил этади.

Бошқарманинг 2008 йил биринчи ярмига белгиланган иш режасининг ижросини таъминлаш мақсадида Бектемир ва Сергели туманларидаги назорат қилувчи органларда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва қарорларининг ижро этилиши аҳволи ўрганиб чиқилиб, 1008 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш юзасидан 21 та тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномалар асосида 28 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 4 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Тегишли идораларга киритилган тақдимномалар асосида 17 та қарор ва ҳужжатлар бекор қилинган. Идораларга киритилган тақдимнома, кўрсатма ва бошқа ҳужжатларга асосан 110 000 сўм маблағни тадбиркорларга қайтариш чоралари кўрилган.

Бошқарма томонидан 2008 йилнинг биринчи чораги мобайнида тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича ва хўжалик судларига жами 592 696 000 сўм миқдорида 23 та даъво аризаси киритилган.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимояси ва амалдаги қонунларнинг жойлардаги тарғиботини ўтказиш борасида режадаги ишлар амалга оширилмоқда.

Бўлим ходимлари томонидан тадбиркорлар билан 7 та семинар машғулотлари ва 1 та учрашув ўтказилиб, бундай тадбирларда тадбиркорларнинг саволларига жавоблар қайтарилди, тегишли мутахассислар иштирокида муаммолари муҳокама этилди,чора-тадбирлар белгилаб олдилар.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича юклатилган вазифаларни белгиланган режа асосида амалга оширишни давом эттирар эканмиз, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожидаги ҳиссаларини ҳамиша ёдда тутамиз.

Абдували АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими
Илёсиддин ҲАЙДАРОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Санъат

ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАР МУСОБАҚАСИ

«ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ОҒЗАКИ ИЖОДИ БИЛИМДОНЛАРИ КАРНАВАЛИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИ НАМОЙИШИГА АЙЛАНДИ. ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН САҲНА КЎРИНИШЛАРИ ҲАМ ТОМОШАБИНЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ.

Турли миллат фольклор санъатига доир тароналар ижролари ҳам таълим муассасаларида халқлар дўстлигини тараннум этувчи янги асарлар тайёрланаётганини кўрсатди. Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат мактаб-интернатида уюштирилган бу ижодий мусобақада қатор ижодий гуруҳлар ғолибликни қўлга киритдилар. Тошкент шаҳри (француз) ижодий гуруҳи эса биринчи ўринни эгаллади.

ҲАВАСКОР РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

«ЕР САЙЁРАСИДА ТИНЧЛИК» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА УЮШТИРИЛГАН КЎРГАЗМА-ТАНЛОВ ҲАВАСКОР БОЛАЛАР ИЖОДИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ҚИЛДИ.

Ёш истеъдодлар томонидан чизилган расмлардан энг яхшилари ушбу кўргазмага тақдим этилди.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган умидли ёш рассомлар ишлари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Бу ижод намуналари асосида алоҳида бадиий композиция тузиш режалаштирилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси бундай тадбирларни вилоятларда ҳам уюштиради.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР АНИҚЛАНДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ МУСИҚА МАКТАБЛАРИДА ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА УЮШТИРИЛАЁТГАН КЎРИК-ТАНЛОВЛАРДАН НАВБАТДАГИСИ МАШҲУР САНЪАТКОР МУҲИДДИН ҚОРИЁҚУБОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ташкил этилган мазкур ижодий кўрикда халқ чолғу асбоблари анъанавий ижрочилик бўйича энг истеъдодли ёшлар аниқланди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур беллашув ғолиблари ижросида алоҳида концерт дастури тайёрланади.

Акбар АЛИЕВ

"КАМОЛОТ ЮЛДУЗЛАРИ — 2008"

ПОЙТАХТДАГИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА "КАМОЛОТ ЮЛДУЗЛАРИ — 2008" КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.

Танловда пойтахтдаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшлар иштирок этди. Олтинчи бор ўтказилаётган танлов университет талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бўш вақтларини самарали ўтказиш, маънавий комилликка эришиш йўлидаги тарбиявий ишларни олиб боришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўн битта шарт асосида ўтказилган танловда ўқув йили мобайнида ўзининг тиришқоқлиги ва интизоми, дарсдан бўш вақтларида жамоатчилик ишларида фаол бўла олган йигит-қизлар ғолиблик учун баҳс юритди.

2008 ўқув йилини битириш арафасида ушбу кўрик-танловда қатнашиш учун ҳар бир ўринга учтадан талаба ўз номзодини таклиф этди. Улар "Йил журналисти", "Йилнинг энг фаол етакчиси" ҳамда "Йил таржимони" каби йўналишларда ўз қобилиятларини синаб кўрди.

Тадбирда сўз олганлар бундай тадбирлар ёшлар ўртасида касбга бўлган ҳурмат ва муҳаббатни шакллантириш, талаба-ёшлар ўртасида ўзаро ижодий рақобатни ўстириши билан ҳам аҳамиятлилигини таъкидлашди.

Танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг махсус совғалари билан тақдирланди.

ЭКРАНГА ЧИҚҚАН ЯНГИ ФИЛЬМ

ПОЙТАХТДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ КИНОСАРОЙИДА "ҚИЗҒАЛДОҚ" НОМЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тақдимот маросимида фильм ижодкорлари, таниқли кино режиссёрлар, актёрлар, санъатшунос ва киношунослар ҳамда минглаб томошабинлар иштирок этди.

Режиссёр Иброҳим Расулов томонидан яратилган ушбу фильмда бош ролларни истеъдодли актриса Раъно Шодиева ва хоразмлик хушовоз хонанда Оғабек Собиров ижро этган. Ҳаётий воқеаларга асосланиб яратилган ушбу фильм оддий ўзбек аёлининг тақдири, унинг ички кечинмалари, орзу-умидлари ҳақида ҳикоя қилади. Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фильмни кўрган ҳар бир томошабин оила аталмиш муқаддас риштани кўз қорачиғидек асраб-авайлаши ва қадрлаши лозимлигини англаган ҳолда, ҳар бир ўтган кун ғанимат эканини тушуниб етади.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан ижодкорлар "Қизғалдоқ" фильми ёшлар ҳаёти ҳақида бўлиб, ундаги воқеалар бугунги ёшларимиз учун сабоқ, ўрнак бўлишини алоҳида таъкидлашди. Фильмни кузатган киношунослар "Қизғалдоқ" фильмининг сценарийси мукаммаллиги, бадиий образларни ҳаётимизга яқинлиги, асар воқеаларини боскичма-боскич қизиқарли, ҳаяжонли ва ишонарли ривожланиб боришига юқори баҳо беришди. Шунингдек фильмда фалсафий ғоя ва бадиийлик мукаммал даражада эканини ҳам таъкидлаб, томошабин орасида муваффақият қозонишига умид билдиришди.

"Қизғалдоқ" фильми Алишер Навоий номли киносаройида мухлислар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

Өз-өз ўзганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

АТОИЙ

Бақосиздур бу беш кун умри фони,
Боқойин ой юзунга бот-бот, ойим.

* * *

Кичикларнинг гуноҳин тенгри сўрмас, банда ҳам.

* * *

Жафо айни вафодур ёрга севган ёридин.

* * *

Тарк этарму одами ҳаргиз қадимий ҳамдамин.

* * *

Табибо, сўрма ҳолимники, бўлмас
Муҳаббат дарди дармон бирла ҳамроҳ.

* * *

Вафосиз дилрабодин тенгри безор,
Агар ҳусн ичра жаннат ҳури бўлса.

* * *

Забун айлар муҳаббат шери найни.

ЛУТФИЙ

Ҳусн ақлни қўймас ўз ихтиёри била.

* * *

Ҳар кишининг аслини билса бўлур ахлоқдин.

* * *

Одам ўғли ўлмаса, охир топар эрмиш мурод.

* * *

Маъмур бўлур адл ила ҳар қайда вилоят.

* * *

Ҳарис бўлса киши, хор ҳам ҳақир бўлур.

* * *

Муфлис киши топса гуҳар ёшурмоғи ночор эрур.

* * *

Яхши эмаским, яхши кишилар бўлса ямонлиқ била машҳур.

* * *

Қайда бир донодурур, ул жаври нодон тортадур.

* * *

Кишики кўрклу эрур, ҳарне қилса яхши келур.

* * *

Бир кун яроғай деб киши олтун, кумуш пайдо қилур.

* * *

Нозук кишидин ҳарне келур, яхши кўрунур.

* * *

Умри азиз кимга жаҳонда вафо қилур?

* * *

Ишқ ўта ҳар не қилса, кўнгулнунг сазосидур.

* * *

Бир гул қаниким, олида юз хор топилмас?

* * *

Меҳру вафо дариғки, эй умр, санда йўқ.

* * *

Бир гўша йўқки дунёда, юз минг шикори йўқ.

* * *

Ким тижоратда зиён қилса, надамдин чора йўқ.

* * *

Кишиким йўқтурур меҳру вафоси,
Агар хуршедтур, андин не ҳосил.

* * *

Қайси бир гулзор эрурким, кўктур анинг булбули.

* * *

Кўрклук киши бошинда, оре, бўлур ғурури.

* * *

Чора йўқтур Тенгрининг тақдирина.

* * *

Олдинда ёзғанни кўрмакдин кишига чора йўқ.

Футбол

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎСМИР-ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ БЎЛИШЛАРИ, СПОРТ БИЛАН МУНТАЗАМ ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ БОРАСИДА КЎП ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Хусусан, маҳаллаларда яшовчи болаларни спортга жалб этиш, бўш вақтларини ва ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш борасида Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқаруви томонидан «Футболимиз келажаги» деб номланган спорт мусобақалари ҳам айнан юқоридаги мақсадлар йўлида ташкил этилиб, ҳар йили янги -янги иқтидорлар кашф этиб келинмоқда.

Шаҳримиздаги 474 та маҳаллаларда «Футболимиз келажаги» турнири 9-10, 11- 12, 13-14, 15-16 ёшли болалар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинади. Йилдан йилга ушбу мусобақада қатнашувчи футболчи ёшлар сафининг ортиб бориши албатта ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқишларининг кучаяётганидан далолатдир.

—Ушбу спорт мусобақасини ўтказишдан мақсад , аввало болажонларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишларига ҳисса қўшиш, шу билан бирга оммавий спортга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган,— дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг етакчи мутахассиси Ҳайдарали Қораболаев. —Турнир тўрт босқичда, яъни маҳаллалараро, туман, шаҳар ҳамда республика биринчилиги бўйича ўтказилади. Ушбу мусобақани ўтказишда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Футбол федерацияси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Эътиборлиси, ушбу мусобақаларда маҳаллаларда яшовчи, ҳеч қандай клубларга аъзо бўлмаган, вояга етмаган ёшлар қамраб олинади. Бугун ушбу мусобақаларнинг маҳаллалараро босқичи бўлиб ўтмоқда. Бунда айниқса Сергели, Ҳамза, Чилонзор, Шайхонтоҳур туманларида катта ғайрат-шижоат, фаоллик кўрсатилиб қизиқарли ўйинлар бўлиб ўтмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган футбол мусобақаларидан лавҳалар

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИДА ГУРУҲЛАРДА 2-ТУР УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛИБ, СЎНГГИ УЧИНЧИ ТУР БАҲСЛАРИ ҲАМ БОШЛАНДИ.

UEFA EURO2008 Austria-Switzerland

«С» гуруҳидан ўрин олган амалдаги жаҳон чемпиони Италия ва Руминия терма жамоалари ўртасидаги ўйиннинг италияликлар учун катта аҳамияти бор эди. Негаки, дастлабки ўйинни бой берган Италия термаси учун ушбу баҳсда ғалаба сув билан ҳаводек зарур, мағлубият эса чемпионатни тарк этишга йўл очарди.

Ушбу ўйиндаги асосий воқеалар 2-бўлимда кечди. 55-дақиқада Адриан Муту (Руминия) ҳисобни очган бўлса, бир дақиқа ўтгач Кристиан Пануччи жавоб тўпини киритди. Ўйин охирларида айнан Муту пенальтидан тўп кирита олмади ва дуранг натижа баҳс охиригача сақланиб қолди.

Шу гуруҳнинг Голландия—Франция термалари ўртасидаги ўйин ҳам ниҳоятда қизиқарли кечди. 9-дақиқада Дирк Кюйт киритган тўп биринчи бўлимда ягоналигича қолди. 59-дақиқада Робин ван Перси иккинчи тўпни киритгач, голландлар суръатни янада оширдилар. 71-дақиқада қарши ҳужумларнинг бирида Санъолнинг ўнг қанотдан туриб берган зарбасини французлар етакчиси Тьери Анри оёғи билан бироз йўналишини ўзгартирган ҳолда дарвозага жойлади —2:1.

Орадан бир дақиқа ўтгач Арьен Роббен яқин бурчакдан туриб тўпни тўғри тўққизликка киритди. Ниҳоят ўйин охирларида Уэели Снейдер узоқдан туриб жуда кучли зарба билан дарвозанинг юқори қисмини забт этиб, чемпионатнинг энг чиройли голларидан бирини киритди.

Шундай қилиб жаҳон чемпони ҳамда вицечемпионини 3:0 ҳамда 4:1 ҳисобларда енгган голландлар қитъа чемпионлигига бош даъвогарлардан эканликларини исботлашди.

«В» гуруҳи вакиллари —Испания ва Швеция ўйинида узоқ вақтгача 1:1 дуранг ҳисоби мавжуд бўлди. Фақат сўнгги дақиқалардагина испанияликлар ҳал қилувчи тўпни киритиб, чорак финалга йўлланма олдилар.

Ушбу ўйинда Давид Вилья (Испания) томонидан киритилган тўп ушбу футболчининг тўртта гол билан тўпураралар баҳсида ягона карвонбоши бўлиб олишига имкон яратди.

Россия —Греция учрашувида Константин Зирянов 33-дақиқада киритган тўп ягоналигича қолди. Павлюченко, Семак, Зиряновларнинг уюштирган бошқа кўплаб ҳужумлари самара бермади.

Кеча «А» гуруҳида учинчи тур учрашувлари бошланди. Бунда айниқса Женева шаҳрида Чехия ва Туркия терма жамоалари ўртасида ўтказилган баҳс кескин, муросасиз ва қизиқарли кечди. Қизиғи шундаки, 34-дақиқада Ян Колер ҳамда 62-дақиқада Ярослав Плашил томонидан киритилган икки гол чехларнинг ғалабасини сўзсиз таъминлайдигандек эди. Бироқ, турклар заррача тушкунликка тушмаган ҳолда ҳужумга зўр бердилар. 75-дақиқада Арда Турон ҳисобни қисқартирганидан сўнг эса туркияликлар янада рухланиб кетдилар. Ўйиннинг ҳақиқатдан қаҳромонига айланган Ниҳат Қаҳвачи 87 ва 89-дақиқаларда иккита тўп киритиб терма жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди — 3:2.

Шу тариқа, деярли бажариб бўлмайдиган вазифани амалга оширган сўнгги 15-дақиқа ичида учта тўп киритган Туркия футболчилари ҳақли равишда чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ниҳоят, сўнгги ўйинда чорак финалга йўлланма олган Португалия ва майдон эгалари Швейцария терма жамоалари ўзаро куч синашди. Бу ўйинда етакчи футболчиларга дам бериш мақсадида португалияликлар мураббийси иккинчи таркибни туширди.

Вазиятдан фойдаланган Швейцария футболчилари хужумкор ўйин кўрсатишди ва Хоқон Якиннинг икки тўпи билан 2:0 ҳисобидаги ғалабага эришишди.

БУГУН учинчи тур учрашувларида «В» гуруҳидан ўрин олган Польша—Хорватия ва Австрия—Германия терма жамоалари майдонга тушади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

МУСАВВИР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

МИЛЛИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА "ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ" ЖАМҒАРМАСИ ВА ОЗАРБОЙЖОННИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТЕАТР ВА КИНО РАССОМИ ЮСУФ ГУСЕЙНОВ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН БАДИИЙ КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси тасвирий санъат ривожи йўлида кўп йиллар давомида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ижодини тарғиб ва ташвиқ этиш йўналишида самарали фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотларидандир. Жамғарма томонидан рассомлик, мусиқа, театр, кино соҳаси фидойилари ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечалари, кўргазмалар, концерт ва учрашувлар мунтазам ўтказиб турилади.

Ю.Гусейнов театр ва кино, шунингдек, тасвирий санъатнинг рангтасвир йўналишида ижод қилган мусаввир эди. У йигирмадан зиёд экран ва саҳна асарларига безак ва декорациялар, чизмалар яратишда иштирок этган. Мамлакатимиз киностудиялари, театр жамоаларида меҳнат қилган рассом олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида ҳам рассомлик сир-асрорларини талаба-ёшларга ўргатган.

Кўргазмада ижодкорнинг элликдан зиёд рангтасвир асари билан танишиш мумкин.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

«02»: ХАБАРЛАР

ТАЛОНЧИЛИК

● Учтепа туманидаги «Карвон» бозорида, 1979 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 276-моддаси 1-қисми билан судланган, «Дўстлик-2» да яшовчи Аваз, 1982 йилда туғилган, тадбиркор, Шароф 13-тор кўчасида яшовчи Зокирнинг сотувда бўлган 55.000 сўмлик 2 дона винтелини тортиб олиб, қочиб кетаётган вақтида ички ишлар ходимлари томонидан далилий ашё билан ушланди.

● Бектемир туманидаги «Қўйлик» улгуржи бозорида, 1980 йилда туғилган, ишламайдиган, фарғоналик Фазлиддин, 1949 йилда туғилган, ишламайдиган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи Маргаританинг қўлидаги 30.000 сўмлик сумкасининг ичидаги 300.000 сўмлик «Сони-Эриксон» уяли телефонини 70.000 сўм пуллари билан тортиб олиб, қочиб кетган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида шаҳар ИИББ Жиноят қидирув бошқармаси ходимлари томонидан Фазлиддин далилий ашё билан ушланди.

Ҳозирда иккала ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЎҒРИЛИК

● Сергели туманида номаълум шахс, Сергели 6-мавзесидаги 16 ва 22-уйлар оралиғида қаровсиз қолдирилган, 1961 йилда туғилган, ишламайдиган, Сергели-6 да яшовчи Озоднинг «ВАЗ-2107» русумли автоуловининг эшигини калит танлаш йўли билан очиб, 50.000 сўмлик аккумуляторини ўғирлаб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида Жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари томонидан ушбу жиноятни содир этган, 1989 йилда туғилган, ишламайдиган, «Сергели-8 а» да яшовчи Фахриддин далилий ашё билан ушланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-қисми билан унинг устидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Ҳамза туманида 1986 йилда туғилган, ишламайдиган, Альберт, 1990 йилда туғилган, ишламайдиган Андрей ва Артём исмли шахс билан, 1947 йилда туғилган, ишламайдиган «Лисунов-1» да яшовчи Борининг уйи олдидаги гаражининг қулфини бузиб кириб, 90.000 сўмлик электр арраси, 30.000 сўмлик кислород шланги, 20.000 сўмлик «Резак-РК 62», 20.000 сўмлик «Океан» русумли радио ускунаси, 7.000 сўмлик машина таъмирлаш калитларини ўғирлаб кетган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ички ишлар ходимлари томонидан Альберт ва Андрейлар далилий ашё билан ушландилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми билан уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Учтепа туманидаги «Карвон» бозорида, 1989 йилда туғилган, ишламайдиган андижонлик Ҳикматилло, 1975 йилда туғилган, ишламайдиган, Қизил Шарқ 3-тор кўчасида яшовчи Шуҳратнинг чўнтагидан 50.000 сўмлик «Нокия» уяли телефонини ўғирлаб кетаётган вақтида шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари томонидан далилий ашё билан ушланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-модда 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ГИЁВАНДЛИК

● Юнусобод туманида Жиноят қидирув бошқармаси ходимлари томонидан, Юнусобод даҳаси, 3-мавзе 6-уй олдида 1978 йилда туғилган, ишламайдиган, Қорақамиш-1 да яшовчи Андрей ушланиб, текшириб кўрилганда ёнидан героин эритмаси олинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 276-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ФИРИБГАРЛИК

● Шайхонтоҳур туманидаги «Чорсу» бозорида 1967 йилда туғилган, 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан судланган, «Қорасув» даҳасида яшовчи Ирина сабзавот расталари олдида, 1979 йилда туғилган, ишламайдиган, Бодомзор кўчасида яшовчи Дилшодга сариқ металлдан ишланган занжирини тилла занжир деб алдаб, 350.000 сўмга сотган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ички ишлар ходимлари томонидан Ирина далилий ашё билан ушланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисми билан фирибгар устидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Ҳамза туманида 1986 йилда туғилган, ишламайдиган, Тошкент вилояти, Тошкент туманида яшовчи Фурқат, «Янгиобод» бозорида, 1988 йилда туғилган, ишламайдиган, Фарғона йўли кўчасида яшовчи Ахрорнинг 130.000 сўмлик «Нокия-6300» русумли, 25.000 сўмлик «Сименс» русумли уяли телефонларини «сотиб бераман» деб алдаб олиб, пулларини қайтариб бермаган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида тезкор ходимлар томонидан гумонланувчи Фурқат далилий ашё билан ушланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бахтиёр ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида мамлакатимиз пойтахтида тарихий ёдгорликлар ва қадамжолар реконструкция қилинмоқда, янги иншоотлар қуриш ҳамда жойларни ободонлаштириш, шаҳар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбектелеком» АК-нинг TSHTT фирмаси ҳам ободонлаштириш ишларида иштирок этмоқда ва 232/233/236-АТСни янги жойга кўчириш учун тадбирлар режасини бажармоқда.

Маълумотлар учун телефон: 232-01-85

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Уйингиздаги ўз телефонингиздан 058 рақамини терган ҳолда сиз ўз ҳисобингизда пул маблағларининг мавжудлиги ёки «Ўзбектелеком» компаниясининг TSHTT филиалидан қарздор эканлигингизни билиб олишингиз мумкин бўлади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-506

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6

Топширилган вақти: 14.55